

ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВА ҚЎҚОН ПЕДАГОГИК МУҲИТИ

М.Юсупов,

Қўқон ДПИ ўқитувчиси

Фарғона вилояти айниқса, Қўқоннинг педагогик муҳити бутунги кунда етарли даражада ёритилмаган. Қўқонлик жадид педагогларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятлари XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон ўлкасида ибрат олса арзугулик эди. Хатто, Самарқандлик жадидлардан бири Абдуқодир Шакурий дўстлари ёрдамида Қўқонга келиб усули жадид мактаблари фаолиятини ўрганиб кетганлиги ҳақида маълумотлар педагогика тарихи дарсликларида ёзилган. Фарғона вилоятида саноат корхоналарининг кенгайиши мактаб ва маориф соҳасида туб ислохотлар олиб боришини талаб этди. Ушбу даврда Самарқанд, Бухоро вилоятларининг таълим муассасаларида талабалар сони камайган ҳолда, Фарғона вилояти таълим муассасаларида уларнинг сони ортиб борганлигини архив хужжатларидан билишимиз мумкин.

Қўқонлик жадид педагоглар ўзларининг таълим ва маориф соҳасидаги ғояларини маҳаллий матбуот орқали тарғиб қилиб бордиларки, бу ҳол миллий педагогикамизнинг ривожланишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Мисол тариқасида 1914 йил дунё юзини кўрган "Садойи Фарғона" газетасининг барча сонларида Туркистон халқларининг ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилишлари учун мактаб ва маориф ишларини ислоҳ қилиш зарурлиги ҳақида кўплаб мақолалар чоп этилган. Қўқонлик маърифатпарвар тужжор (савдогар) Обиджон Махмудов томонидан чоп этилган бу газетада, мавжуд таълим муассасаларини ислоҳ қилиш масаласи, дарсликлар, уларнинг мазмуни, ноширлари ҳақида маълумотлар учрайди. Айниқса, газетанинг 3-сонидagi "Ислох ал ислох" мақоласида мактаб ва мадрасалардаги камчиликлар баён қилинган. Мулла Абдуллабек Мусабек ҳожи ўғли ушбу мақоласида мадрасаларда ўқиталаётган дарсликларни таҳлил қилиб уларнинг камчиликларини санаб ўтади. Ушбу сонда муаллим Ашурали

Зохирийнинг "Она тили" мақоласи чоп этилган бўлиб, муаллиф ўзбек адабий тили масаласи, унинг софлиги, тил ўрганиш қоидалари, ўқитувчининг дарс давомида талабалар билан олиб борадиган услубий ишлари баён қилинган. Бундай мақолалар чор маъмурларини ташвишга солмай қўймади. Шунинг учун ҳам бундай газеталарнинг чоп этилиши таққилаб қўйилган. Ҳатто, чор маъмурлари газета чоп этиш катта фойда келтирувчи иш деб, газетани солиққа тортилганлиги ҳақида газетанинг 14-сонигаги мақолада ёзилган. Газетанинг 60-сонига "Дорулайтом мактаби" ҳақида ёзилган бўлиб, муаллиф Ҳамза Ҳакимзодӣ ўша давр мадрасаларининг ахволи, уларнинг иш мазмуни ва "Дорулайтом мактаби" фойдасига ҳар ойда ионна (эхсон) берувчилар исмлари санаб ўтилган.

Туркистон ўлкасининг қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳри Хўқанди латиф шоирлар ва фозиллар юрти ҳисобланиб, унинг Туркистон мактаб ва маориф тараққиётидаги ўрни беқиёсдир. Қўқон адабий муҳити водийдаги маънавий-маърифий ишларнинг юксалишида алоҳида ўрин тутди. XIX аср охири ва XX аср бошларида Қўқонда 20 дан ортиқ жаҳид мактаблари, 400 дан ортиқ эски усулдаги (усули қадим) мактаб, ҳамда "Отин ойи" мактаблари бўлган. Уларда минглаб туб аҳоли болалари билим олганлар. Айниқса, XX аср бошларида усули жаҳид мактаблари салмоғи тобора кенгайиб борди. Бундай мактабларда туркий оламга узининг эзгу ишлари билан машҳур бўлган олимлар ва фозиллар, фидоий маърифатпарвар муаллимлар ёш авлодга таълим-тарбия берганлар.

Чор маъмурларининг ҳар томонлама тазйиқлари ва оғир шароитга қарамай улар ўз маблағлари ҳисобига янги усулдаги мактаблар очганлиги таҳсинга сазовордир. Ҳатто Қўқонлик маърифатпарвар зиёлилар Маҳмудхужа Бехбудий томонидан чоп этилган "Оина" журналида ҳам ўзларининг илмий ва маърифий мақолалари билан фаол қатнашиб келдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, Қўқонлик зиёлилар томонидан маориф ишлари учун ҳайрия жамғармалари ташкил қилиниб, тўпланган маблағ ёшларнинг илм олишларига сарф қилинган. "Садойи Фарғона" газетасининг

1914 йил 26-сонининг 30-саҳифасида Қўқонлик ёшлар мактаб фойдасига театр ташкил қилганликлари ҳақида ёзилади. Бундай ташаббуснинг амалга ошишида Қўқонлик бойлар ва қозилар ўзлари чипталар сотиб олганликлари ҳақида маълумотлар бор.

"Оина" журналининг 1914 йил 14-сониде ёзилишича, миллатни тараққий эттириш учун ёшларни чет элларга юбориб ўқитиш зарур, "токи улар етарли даражада билимли бўлиб қайтиб ўлкани иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришда ўз ҳиссаларини қўшгайлар". Савол туғилади, арабий, форсий, туркий тилларни билса-ю, лекин уқишга сармояси етмаса қандай қилиб ўқиш мумкин? Бу саволнинг ечими ҳам ушбу мақолада берилган: "...уч қисм аҳоли билан ҳосил булурға ҳаракат қилиб, бир қисмлари пул билан, бир қисмлари тил билан, бир қисмлари ҳам жон билан бул муҳим вазифанинг ижросига хизмат этсалар эди". Тараққийпарвар зиёлилар ёшларни маориф ишлари ривожланган Русия, Туркия, Миср ва бошқа давлатларнинг олий ўқув юр்தларига ўқишга юбориш учун хайрия жамғармалари ташкил этганлигини ҳозирги кунимиз билан таққосласак истиқлол ва маориф учун кураш XX асрнинг 1-чорагида бошланганлигини кўраимиз.

"Оина" журналининг 1914 йил 15-сониде эса Қўқонда Орифжонбойвачча Хусаинов "Малжоус - сибъён" номли бошланғич мактаб очилишини ўз зиммасига олганлиги ҳақида ёзилади. Мақолада жадин мактаблари ташкил қилиш қандай амалга оширилади ва қандай воситалардан фойдаланиш зарурлиги ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Мақола мазмунидан ҳозирги кундаги педагогика фанининг таълим жараёнини ташкил этиш ва ўқитувчи шахсининг сифатлари мавзуларини ўқитишда ижодий фойдаланилса, мақсадга мувофиқ, бўлади.

"Оина" журнали 1914 йил 21-сониде маърифатпарвар шоир Писандий мулло Авазмухаммад қори домланинг жадин мактабига бағишлаб ёзган шеъри берилган:

Бўлай деса ҳар ким замонда фарид,
Жадал бирла билсин усули жадин.

Манофеъ бўлсун элга бу ишда билинг,
Буни билмаганларга зохир қилинг.
Йўқ, эди бу ҳикмат замони қадим,
Чиқарди ишини ҳакиму алим.
Машақаатда эрди болалар мудом,
Билолмай сабоқни ўқуб субҳу шом.
Киши ўғлини айласа баҳравар,
Булур ҳосилоти онинг сиймузар,
Ҳисобу китобу фароизни ҳам,
Саводу арабни қилиб бунга зам,
Заруроти иймону ислом эрур,
Амал қилса ҳар ким бу бир ком...
Ҳалойиқ орасида ангушнамо,
Билур билган одам хатодин жудо.
Болалар агар бўлсалар баҳраманд,
Киши айласа илм учун сарфи мол,
Бири ўн булур, йўқдур анга завол.
Эшит бу ҳабарни, убайди сайд,
"Чароги хидоят усули жадид".

Ушбу шеърдан ҳам кўриниб турибдики, усули жадид мактабларида диний билимлардан ташқари дунёвий билимлар ҳамда араб тили ўргатилган. Шоир Писандий туб аҳоли орасида маърифат тарқатишда жадид мактабларининг аҳамиятини тушуниб етган ва ёшларни бу мактабларда илм ўрганишга даъват қилган.

Қўқонлик маърифатпарвар, машҳур олим Ашурали Зохирийнинг "Фарғона музофот ўзбек билим юртининг тарихи" ("Фарғона" газетаси, 1924 йил 26 май, 173-сон) мақоласида ёзилишича, ҳозирги Қўқон педагогика коллежининг ташкил этилиши биз нишонлаб келган 1920 йилда эмас, балки 1917 йилда экан. қўқонлик маърифатпарвар зиёлилар томонидан 1917 йил сентябрь ойида "Таъмили маориф" жамияти "чин — ҳақиқий муаллимлар

етиштирмак учун дорулмуаллимин очди", - деб ёзилган. Қўқонда биринчи дорулмуаллиминнинг очилиши XX аср бошларида Туркистон ўлкасида маърифатчилик энг юқори поғонага кўтарилганлигидан далолат беради.

"Оина" журналининг 1917 йил 14-сонида ёзилишича, «Хўқанд бошқа шаҳарларга қараганда тарақийдадир. Сабаби шулки, мунда 21 боб янги мактаб борки, унда 3000 бола тахсил қиладур". Мулло Исроқжон домланинг журналдаги мақоласида XX аср бошларида усули жаид мактаблари мавқеи усули қадим, рус - тузем мактабларига қараганда юксала борди дейилади. "Садойи Фарғона" газетасининг 1914 йил 13-сонида усули жаид мактабларида имтихон олиш маросими ҳақида маълумот берилган бўлиб, унда болаларнинг ота-оналари, зиёлилар ва сармоядор кишилар иштирок этганлар. Мактабларнинг айримларида ўқувчи қизларга қўл хунари ҳам ўргатилганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири ва XX аср бошлари Туркистон ўлкасининг ижтимоий-маданий ҳаётида Фарғона вилояти маърифатчиларининг педагогик фаолиятини илмий таҳлил этиш ва ҳозирги замон педагогика фани кўзгусида баҳо бериш таълим тарихи муаммоларини ойдинлаштиришда қўл келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Абдуллаев И. Эски мактабда хат-саводга ўргатиш, ЎзССР " Ўрта ва олий мактаб "давлат нашрети, Тошкент- 1960
2. Долимов У. Туркистонда жаид мактаблари, " Университет " нашрети - 2006.
3. Л А. Кун. Очерки Кокандского ханства. СПб, 1876.
4. Хршимов К., Нишонов С, Иномова М., Хасанов Р. Педагогика тарихи. Т.- Ўқитувчи, 1966.

